

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«13» май 2019 у.

№ 394

Toshkent sh.

**Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни
касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда, энг аввало, янги иш ўринлари ташкил этиш ва тадбиркорлик ташаббусларини фаол кўллаб-куватлаш ҳисобидан аҳоли, айниқса, ёшлар фаровонлигини ошириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги вазифаларни ҳал этиш меҳнат бозорининг, шу жумладан жойларда ташкил этилаётган йирик корхоналар ва кластерларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, юқори малакали ишчи мутахассисларни тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Меҳнат бозорининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, касбга ўқитиши ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялаштириш, касбий билим ва кўникмаларни баҳолашнинг ҳалқаро тизимини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифаларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Иктисолиёт ва саноат вазирлигининг Касбий малака, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизимини (кейинги ўринларда Касбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими деб аталади) жорий этиш тўғрисида қуидагиларни назарда тутувчи таклифига розилик берилсин:

касб-хунар колледжларида йирик корхоналар ва кластерлар учун, шунингдек, меҳнат бозоридаги реал эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиши нодавлат марказларида (кейинги ўринларда касбга ўқитиши марказлари деб аталади) банд бўлмаган аҳоли, айниқса, ёшларни

касбга ўқитишни ташкил этиш;

белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган билим ва кўникмаларни баҳолаш нодавлат марказлари (кейинги ўринларда билим ва кўникмаларни баҳолаш марказлари деб аталади) фаолиятини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан меҳнат бозори талабарини ҳисобга олган ҳолда, банд бўлмаган аҳолини Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан касбга ўқитиш марказлари ва бошқа таълим муассасалари билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида касбга ўқитиш учун давлат буюртмасини ҳар йили жойлаштириш;

билим ва кўникмаларни баҳолаш марказлари томонидан муайян мутахассислик (касб) бўйича касбий билим ва кўникма даражасини тасдиқлайдиган ҳамда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификаторига мувофиқ ишчилар касблари малака разрядларини бериш учун асос ҳисобланадиган малака сертификатларини бериш амалиётини жорий этиш;

ўрта бўғин мутахассислар ва ишчиларнинг малака даражасини изчил ошириб бориш механизмини жорий қилиш;

ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи касблар лавозимларининг касб стандартларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва янгилаб бориш механизмини жорий қилиш;

ихтиёрийлик, ишончлилик, тўлов ва шаффофлик принциплари асосида касбий билим ва кўникмаларни баҳолаш ҳамда беришда иштирок этиш.

2. 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб, касб-хунар коллажларида йирик корхоналар ва кластерлар учун талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи касблар бўйича кадрларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тайёрлаш тартиби эксперимент сифатида жорий қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хуанр таълими маркази билан биргаликда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассисларни ҳамда ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлашни ташкил этиш учун касб-хунар коллажлари ҳамда уларга бириктирилган йирик корхоналар ва кластерлар рўйхати (кейинги ўринларда рўйхат деб аталади) тузилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Касб-хунар коллажларида йирик корхоналар ва кластерлар учун талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассислар ҳамда ишчи касблар бўйича кадрларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тайёрлашни ташкил этиш бўйича ишчи гурух 1-иловага мувофиқ таркибда (кейинги ўринларда Ишчи гурух деб аталади) тузилсин.

Куйидагилар Ишчи гурухнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жойларга бориб ва рўйхатда кўрсатилган йирик корхоналар ва кластерлар раҳбарлари билан шахсан учрашувлар ўтказиб, юқори малакали ўрта бўғин мутахассисларни ҳамда ишчи касблар бўйича кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ўрганишни ташкил қилиш;

рўйхатда кўрсатилган йирик корхоналар ва кластерлар раҳбарларига касб-хунар коллежларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассисларни ва ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлашни ташкил этишда томонларнинг устуворликлари, хукуклари ва мажбуриятларини тушунтириш;

касб-хунар коллежларида талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассисларни ва ишчи касблар бўйича кадрларни давлат-хусусий шериклик шартлари, шу жумладан йирик корхоналар ва кластерлар раҳбарларининг уларни рўйхатга киритиш тўғрисида асослантирилган ёзма буюртманомалари асосида асосида тайёрлашни ташкил этишни янада кенгайтиришга кўмаклашиш;

юклама даражаси паст бўлган ёки реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки қайта жиҳозлашни талаб қиласиган ва бинолари ҳамда иншоотлари касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш учун хусусий инвесторларга берилиши мумкин бўлган касб-хунар коллежларини аниқлаш.

4. Ишчи гурух (Абдуҳакимов):

а) икки ой муддатда қуйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини:

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида касб-хунар коллежларида йирик корхоналар ва кластерлар учун талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассисларни ва ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлашни ташкил этиш учун уларнинг буюртманомаларини ҳисобга олган ҳолда тузилган касб-хунар коллежларининг рўйхати;

бинолари ва иншоотлари касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш учун хусусий инвесторларга берилиши мумкин бўлган касб-хунар коллежларининг рўйхати;

Касб-хунар коллежларида йирик корхоналар ва кластерлар учун талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассислар ҳамда ишчи касблар бўйича кадрларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тайёрлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом;

б) касб-хунар коллежларида йирик корхоналар ва кластерлар учун талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассислар ҳамда ишчи касблар бўйича кадрларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тайёрлашни ташкил этиш юзасидан жорий қилинган эксперимент натижаларини таҳлил қилиш якунлари бўйича асослантирилган таклифларни киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, касб-хунар коллажларида ушбу қарорнинг 2-бандига мувофиқ ўрта бўғин мутахассисларни ва ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш қўйидагилар асосида ташкил этилади:

а) қўйидагиларни назарда тутувчи давлат-хусусий шериклик шартлари асосида:

йирик корхона ёки кластер, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўртасида уч томонлама шартнома тузиш, унда томонларнинг ҳукуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, давлат-хусусий шерикликнинг бошқа шартларини мустаҳкамлаш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан касб-хунар коллажларида банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш учун давлат буюртмасини ҳар йили жойлаштириш;

умумтаълим муассасаларининг 9-синфини тугатгандан кейин ўқишга қабул қилинадиган шахсларни ўқитиш учун касб-хунар коллажларининг профессор-ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек, касб-хунар коллажлари бинолари ва иншоотларини сақлаб туриш учун касб-хунар коллежи умумий харажатларининг 50 фоизидан ошмайдиган харажатларни бюджет маблағлари ҳисобидан ва етишмаётган қисмини эса йирик корхоналар ва кластерлар маблағлари ҳисобидан қоплаш;

умумтаълим муассасаларининг 11-синфини тугатгандан кейин ўқишга қабул қилинадиган шахсларни ўқитиш учун касб-хунар коллажларининг маъмурий ва хизмат кўрсатувчи ходимлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилари меҳнатига йирик корхоналар ва кластерлар ёки таълим олувчилар ёхуд бошқа ўқитиш буюртмачилари ҳисобидан ҳақ тўлаш;

б) қўйидаги тартиб асосида, унга кўра:

йирик корхона ёки кластер раҳбари ёхуд у томонидан тайинланган бошқа шахс касб-хунар коллежи директори ҳисобланади ҳамда йирик корхоналар ва кластерлар маблағлари ҳисобидан коллеж ходимларига устамалар, қўшимча ҳақлар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар белгилашга ҳақли бўлади;

касб-хунар коллажларида ўрта бўғин мутахассисларни тайёрлаш муддати икки йилгacha, ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш муддати тўққиз ойгacha бўлган муддатни ташкил этади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган Касб-хунар таълими йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификаторидан келиб чиқиб белгиланади;

касб-хунар коллажларида ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи касблар бўйича кадрлар касб-хунар коллажларидаги назарий машғулотларни бевосита йирик корхоналар ва кластерларнинг маҳсус ташкил этилган ўкув-ишлаб чиқариш хоналарида ишлаб чиқаришга ўқитиш билан интеграциялаштириш принципи асосида тайёрланади;

йирик корхоналар ва кластерлар ўрта бўғин мутахассисларни ва ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлашни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази билан келишилган ҳолда биргаликда ташкил этиш учун бошқа корхоналарни ҳам жалб килиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази касб-хунар коллежларида ўкув жараёнига методик раҳбарлик қилади, уларнинг раҳбарлари ва ўқитувчилари малакасини оширади, шунингдек, касбий стандартлар ва малака талаблари асосида ўкув режалари ҳамда дастурларни тасдиқлайди;

йирик корхоналар ва кластерга бириктирилган касб-хунар коллежларида ўқишни битиргач, давлат намунасидаги диплом ёки бошқа расмий хужжат берилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиши, касбий билим ва кўнималарни баҳолаш ҳамда беришнинг замонавий стандартларини жорий этиш мақсадида касбга ўқитиши марказлари ва билим ҳамда кўнималарни баҳолаш марказларини ташкил этишга доир лойиҳаларни амалга оширишда инвесторларга қўйидаги турдаги давлат ёрдами кўрсатилиши мумкин:

касбга ўқитиши марказлари ва билим ҳамда кўнималарни баҳолаш марказларини куриш учун ер участкаларини бепул ажратиш;

касбга ўқитиши марказлари ва билим ҳамда кўнималарни баҳолаш марказларини ташкил этиш учун юклама даражаси паст бўлган ёки реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки қайта жиҳозлашни талаб қиласиган касб-хунар коллежлари бинолари ва иншоотларини ижарага бериш;

касбга ўқитиши марказлари ва билим ҳамда кўнималарни баҳолаш марказларини ташкил этиш учун фойдаланилмай турган бинолар ва иншоотларни инвесторларга ижара ҳақининг “ноль” ставкаси бўйича бериш;

банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиши марказларида Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ўқитиши учун давлат буюртмасининг кафолатланган энг кам даражасини белгилаш.

7. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра касбга ўқитиши марказлари ва билим ҳамда кўнималарни баҳолаш марказларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда ушбу қарорининг 6-бандига мувофиқ:

касбга ўқитиши марказлари ва билим ҳамда кўнималарни баҳолаш марказларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги инвесторлар билан битимлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича тузилади;

касбга ўқитиш марказларини ва билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги келишувларга мувофиқ инвесторларга берилган ер участкалари ва кўчмас мулкни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири билан келишмасдан олиб қўйиш тақиқланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузурида Касбий малакаларни ривожлантириш республика кенгаши (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади), шунингдек, давлат бошқаруви органлари хузурида касбий билим ҳамда кўникмаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари ташкил этилсин.

Куйидагилар Республика кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказларида, жумладан, вақти-вақти билан ва танлов асосида текширувлар ҳамда ўрганишлар ташкил этиш орқали касбга ўқитишни, касбий билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш ва бериш жараёning сифатини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказларини аккредитациядан ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хulosалар бериш;

халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажриба ҳисобга олинган ҳолда, Касбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизимини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

9. Белгилаб қўйилсинки:

касбий билим ва кўникмаларни баҳолаш ҳамда бериш имконини берадиган аниқ мутахассисликлар (каслар) бўйича касбий стандартлар касбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари томонидан меҳнат органлари ва касбий билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказлари билан биргаликда ишлаб чиқилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига албатта экспертизадан ва рўйхатдан ўтказилади;

касбий билим ва кўникмалар ишончили баҳоланмагани ҳамда ноқонуний берилган ҳоллатлар аниқланганда, Республика кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига билим ва кўникмаларни баҳолаш марказлари аккредитациясини чакириб олиш ва берилган малака сертификатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимномалар киритади.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Иктиносидёт ва саноат вазирлиги, йирик иш берувчи корхоналар томонидан “WorldSkills Uzbekistan” ишчи касбларни ривожлантириш ва оммалаштириш асоциацияси (кейинги ўринларда Ассоциация деб аталади) ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

бир ой муддатда “WorldSkills International” халқаро ассоциациясига, шу жумладан расмий ариза юбориш ва музокаралар ташкил этиш орқали кўшилиш юзасидан зарур чоралар кўрсин;

Тошкент шахри Яшнобод туманида эксперимент тарзида ташкил этилаётган банд бўлмаган аҳолига хизматлар кўрсатиш бўйича “Ишга марҳамат” мономаркази негизида “WorldSkills” методологиясига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартлари асосида касбий билим ва кўникмаларни баҳолаш тизимини жорий этсин;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитишга, шунингдек, Ассоциацияни ташкил этиш ва унинг фаолиятини қўллаб-куватлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштиришни тъминласин;

хорижий мамлакатларнинг касб-хунар ассоциациялари, касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказлари билан хамкорлик муносабатларини ўрнатиш, Ўзбекистон Республикасида уларнинг ваколатхоналарини очиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикасида 2019-2021 йилларда ишчи касбларни янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан Касбий малака, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизимининг фаолиятини ташкил этиш, касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказларини аккредитациядан ўтказиш тартиби, банд бўлмаган аҳолини Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўқитишни ташкил этиш тўғрисидаги Хукумат қарорининг лойиҳасини, шунингдек, касбий стандартларни ишлаб чиқиш жадвалини Вазирлар Маҳкамаси киритсан.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А.Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д.Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Мажкамасининг
2019 йил 13 майдаги 394-сон қарорига
1-илова

Касб-хунар колледжларида йирик корхоналар ва кластерлар учун талаб юкори бўлган ўрта бўғин мутахассислар ҳамда ишчи қасблар бўйича кадрларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тайёрлашни ташкил этиш бўйича ишчи гурӯҳ

ТАРКИБИ

- Абдухакимов А.А. – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари, *Ишчи гурӯҳ раҳбари*
- Маджидов И.У. – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири, *Ишчи гурӯҳ раҳбари ўринbosари*
- лавозими бўйича* – Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, *Ишчи гурӯҳ раҳбари ўринbosари*
- Кудбиев Ш.Д. – Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
- Ашрафханов Б.Б. – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринbosари
- Усмонов Б.Ш. – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирининг ўринbosари
- Холжигитов Г.А. – Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директори – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринbosари
- Хайдаров А.Я. – Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги директори
- Холмухamedов М.М – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринbosари – Касб-хунар таълими маркази директори, *Ишчи гурӯҳ котиби*

Изоҳ. *Ишчи гурӯҳ аъзолари бошқа ишга ўтгани тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зинмасига тегишини функцияларни бажарии юкланган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 13 майдаги 394-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикасида 2019-2021 йилларда ишчи касбларни янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизmlари	Муддатлар	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочиilar
I. "WorldSkills International" халқаро ассоциациясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши бўйича ташкилий чора-тадбирлар					
1.	"WorldSkills International" халқаро ассоциациясига Ўзбекистоннинг қўшилиши билан боғлик ташкилий тадбирлар ўтказиш.	1. "WorldSkills International" халқаро ассоциациясига қўшилиш учун расмий ариза юбориш. 2. "WorldSkills International" халқаро ассоциацияси билан музокаралар ташкил этиш. 3. "WorldSkills International" халқаро ассоциацияси расмий вакилларининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш.	2019 йил май	-	Мехнат вазирлиги (Куббиеv Ш.), Олий таълим вазирлиги (Холмухамедов М.), ТИВ (Немматов И.)
2.	"WorldSkills Uzbekistan"(кейинги ўринларда Ассоциация деб аталади) ассоциациясининг самарали фаолиятини ташкил этиш.	1. Ўзбекистонда ишчи касбларни ривожлантириш ва оммалаштириш, шу жумладан Ассоциацияни қўллаб-куватлаш стратегиясини ишлаб чиқиш. 2. Ассоциация уставини ишлаб чиқиш, таъсисчилар йигилишини ўтказиш ва Ассоциация, уставини тасдиқлаш, шунингдек Ассоциацияни давлат рўйхатидан ўтказиш.	2019 йил май "WorldSkills International" халқаро ассоциацияси билан музокаралар якунлангандан кейин	-	Мехнат вазирлиги (Куббиеv Ш.), Олий таълим вазирлиги (Холмухамедов М.), Иктисадиёт ва саноат вазирлиги (Гулямов Р.), Адлия вазирлиги (Давлетов Р.), Касаба уюшмалари федерацияси (Рафиков К.), Курилиш вазирлиги (Тухтаев А.), "Уйжойкоммунхизмат" вазирлиги (Салиев М.), "Ўзбекнефтгаз" АЖ

					(Сидиков Б.), “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ (Хасилов X.), ССП (Икрамов А.)
3.	Хорижий давлатларнинг “WorldSkills” миллий харакатлари, шу жумладан “WorldSkills Russia” иттифоқи билан ҳамкорликни ривожлантириш.	<p>1. Хорижий давлатларнинг “WorldSkills” миллий харакатлари, шу жумладан “WorldSkills Russia” иттифоқи билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум тузиш.</p> <p>2. Малакани баҳолаш марказларини жихозлаш, ишчи касблари бўйича миллий чемпионатлар ўтказиш, эксперталарвайшлаб чиқаришга ўқитиш усталари малакасини ошириш соҳасида чет давлатларнинг “WorldSkills” миллий харакатлари, шу жумладан “WorldSkills Russia” иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш.</p>	2019 йил давомида	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Мехнат вазирлиги (Кудбиеv Ш.)
II. Worldskills стандартларини Ўзбекистон Республикасида касб-хунарга ўқитиш ва малакани баҳолаш тизимига жорий этиш					
4.	WorldSkills стандартларига мувофиқ касбга тайёрлаш таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	<p>1. WorldSkills стандартларига мувофиқ касбга тайёрлаш дастлабки таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гурӯҳ ташкил этиш.</p> <p>2. Дастлабки таълим дастурларини ишлаб чиқиш (танланган малакалар бўйича).</p> <p>3. Мехнат вазирлигининг касбга ўқитиш марказларида дастлабки дастурларни жорий этиш.</p> <p>4. Дастлабки дастурларни жорий этишни ташкил этиш учун (устахоналар, лабораториялар, ўкув синфлари) Мехнат вазирлигининг касбга ўқитиш марказларини реновациялаш (реконструкция қилиш ва</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил апрель-август</p> <p>2019 йил август-декабрь</p> <p>2019-2020 йиллар</p>	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Мехнат вазирлиги (Кудбиеv Ш.), Олий таълим вазирлиги (Холмуҳамедов М.), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Гулямов Р.), вазирлик ва идоралар

		таъмирлаш).				
5.	WorldSkills методология ва талабларига мувофиқ касбий малакани баҳолаш тизимини жорий этиш.	<p>5. Дастрлабки даструрлар тажрибасини касб-хунар таълим мининг бошқа муассасалариiga татбиқ этиш.</p> <p>1. Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги банд бўлмаган аҳолига хизматлар кўрсатиш бўйича “Ишга марҳамат” мономаркази негизида “WorldSkills” стандартлари бўйича Малака ошириш маркази (МОМ) ташкил этиш.</p> <p>2. МОМни “WorldSkills” стандартлари бўйича назорат-ўлчов воситалари, курилмалар, ускуналар, сарфлаш материаллари билан жиҳозлаш.</p> <p>3. Ишлаб чиқариш тармоқлари ва бошқа муассасалар негизида, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида МОМни ташкил этиш учун этalon моделини тиражлаш.</p>	2020 йил			Мехнат вазирлиги (Кудбиеv Ш.), йирик корхоналар – иш берувчиilar
6.	“WorldSkills Russia” академиясида ва “WorldSkills International”га аъзо мамлакатларнинг ўқув марказларида WorldSkills стандартлари бўйича касбга тайёрлаш тизими учун кадрлар тайёрлаш.	<p>1. Экспертларни билим ва кўникмаларга ўқитиши.</p> <p>2. Ишлаб чиқаришт таълими усталарини ўқитиши.</p> <p>3. Касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва кадрлар захирасини ўқитиши.</p>	2019 йилоктябрь 2019 йил ноябрь-декабрь 2020 йил	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси Корхоналар ва ҳомийлар маблағлари	Мехнат вазирлиги (Кудбиеv Ш.), Олий таълим вазирлиги (Холмуҳамедов M.), вазирликлар, идоралар, йирик корхоналар – иш берувчиilar	
7.	Жамоатчилик, ёшлиар, таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, эксперталар хамжамияти ўргасида	<p>1. ОАВда ахборот кампанияси ўткизиш медиарежасини ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ва амалга ошириши.</p> <p>2. Касб-хунарга ўқитиши</p>	2019-2020 йиллар	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Мехнат вазирлиги (Кудбиеv Ш.), МТРК (Хаджаев A.), Олий таълим вазирлиги	

	WorldSkills ҳаракатини кенг оммалаштириш.	муассасаларида, олий ўкув юртларида, мактабларда ахборот тадбирлари (учрапувлар, мастер-класслар, очик дарслар) ўтказиш.			(Холмухамедов М.), вазирликлар, идоралар, йирик корхоналар – иш берувчилар
--	---	--	--	--	--

III. WorldSkills стандартлари бўйича ишчи касблар миллий ва минтақавий чемпионатларини ўтказиш

8.	Қозон шахрида (Россия) ишчи касблар бўйича 45-чемпионатда Ўзбекистон Республикаси делегациясининг иштирокини таъминлаш чораларини кўриш.	<p>1. Қозон шахрида (Россия) 7-миллий чемпионат (2019 йил май) ва 45-жаҳон чемпионатида (2019 йил август) иштирок этиш учун таълим муассасалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари вакиллари орасидан Ўзбекистон делегациясини шакллантириш.</p> <p>2. Иштирок якупнари бўйича ишчи касблари бўйича миллий чемпионат ўтказишида халқаро тажрибадан фойдаланишга доир аниқ таклифлар билан бирга ахборот киритиш.</p>	2019 йил май, август иштирокдан кейин бир ҳафта давомида	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Мехнат вазирлиги (Кудбиеv Ш.), Олий таълим вазирлиги (Холмухамедов М.), вазирликлар, идоралар, йирик корхоналар – иш берувчилар
9.	Ишчи касблари бўйича дастлабки миллий чемпионат ўтказиш.	<p>1. Чемпионат ўтказиш учун худудни аниглаш.</p> <p>2. Чемпионат ўтказиш бўйича эксперт гурух ва ташкилий қўмита тузиш.</p> <p>3. Чемпионат ўтказиш тартибини ишлаб чикиш.</p> <p>4. Чемпионат ўтказиладиган зона курилишини ташкил этиш ва жиҳозлаш.</p> <p>5. Чемпионат ўтказишнинг танлов ва конгресс-иш дастурини шакллантириш.</p> <p>6. ОАВда, шу жумладан хорижий ОАВда реклама кампаниясини ташкил этиш.</p>	2019 йил ноябрь-декабрь	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Мехнат вазирлиги (Кудбиеv Ш.), Олий таълим вазирлиги (Холмухамедов М.), вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, йирик корхоналар – иш берувчилар
10.	2021 йилда Шанхай шахрида (XXR) ишчи касблар бўйича 46-жаҳон чемпионатида миллий	1. Миллий терма иштироки учун 45-жаҳон чемпионатида иштирок якупнари бўйича муваффакиятли йўналишлар ва	2019 йил ноябрь-декабрь	Бандликка кўмаклашиш давлат	Мехнат вазирлиги (Кудбиеv Ш.), Олий таълим вазирлиги

<p>терма жамоа иштирокини таъминлаш бўйича чоралар кўриш.</p>	<p>касбларни танлаб олиш.</p> <p>2. 2020-2021 йилларда миллий чемпионатлар ўтказиш жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>3. 2020-2021 йилларда миллий чемпионатлар ўтказиш.</p> <p>4. 2019-2020 йилларда миллий чемпионатлар ўтказиш якунлари бўйича салоҳиятли миллий терма жамоани шакллантириш.</p> <p>5. Шанхай шаҳрида (XXР) ўтадиган 46-жаҳон чемпионатида миллий терма жамоа иштирокига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш.</p>	<p>2019 йилдекабрь</p> <p>2020-2021 йиллар</p> <p>2020 йил</p> <p>2021 йил</p>	<p>жамғармаси</p>	<p>(Холмуҳамедов М.), вазирликлар, идоралар, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, йирик корхоналар – иш берувчилар</p>
---	---	--	-------------------	---